

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

ШАКАРОВ АЛИШЕР РАСУЛОВИЧ

**ТЕРИ ЭПИДЕРМИСИ РЕГУЛЯТОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ
МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ**

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи.

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати

A/2534

док
Content:

А
Ш 19 Шакаров, А. Р.
Тери эпидермиеи регу-
лятор механизмларини
математик моделлашти-
риш: дис. автореферати

Шакаров Алише
Тери эпидермиси

Шакаров Алише
Математическое
кожи.

Shakarov Alisher
Mathematical mo

Эълон қилинган
Список опублик
List of published

	1.	2018	

A12534

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ

ШАКАРОВ АЛИШЕР РАСУЛОВИЧ

ТЕРИ ЭПИДЕРМИСИ РЕГУЛЯТОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ
МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Соғли усуллар ва дастурлар мажмуи.

ТЕХНИКА ФАҲЛЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Т62 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва "Ziyouet" Ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сайдалнева Махруй
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Усманов Ришат Ниязбекович
техника фанлари доктори, профессор

Тахиров Жозил Останович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «27» январь соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (253 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2018 йил «12» январь да тарқатилди.
(2017 йил «30» декабрь даги 1 рақамли реестр баённомаси.)



Р.Х.Ҳамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралнев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

Н.Равшанов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ахборот-коммуникация технологияларининг тиббиётга самарали қўлланилиши инсонларга номатълум бўлган касалликларни аниқлаш, башоратлаш ва даволаш йўлини таплашда муҳим аҳамият касб этади. «Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, сўнгги йилларда дунё аҳолисининг 22%и тери касалликлари билан касаллангандир»¹. Шунинг учун ҳам тери касалликларини аниқлашга бўлган талабларнинг ортиши тиббиётда замонавий ҳамда ишончли ташхис қўйиш технологияларини яратиш зарурияти туғилишига олиб келмоқда ва тиббиёт соҳасига ушбу технологияларни жорий этиш орқали юқори самарадорликка эришиш мумкин. Тирик тизимларни математик моделлаштириш соҳаларида АҚШ, Россия, Буюк Британия, Хитой, Швеция, Австралия, Ўзбекистон каби давлатлар молекуляр-генетик, хужайра, орган, популяция даражаларда тадқиқотлар олиб бормоқда.

Жаҳонда тери эпидермиси хужайралари ўзаро фаолиятни регулятор механизмларини математик моделлаштиришнинг ҳисоблаш тажрибаларини олиб борадиган технологияларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш муҳим масалалардан бири бўлиб, бу борада тери эпидермиси регулятор механизмларининг кечикувчи аргументли функционал-дифференциал тенгламалар тизими математик моделлари ва ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш, вақтий-фазовий муносабатларни инобатга олиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш жараёнини компьютер тизимлари ёрдамида такомиллаштириш, касалликларни олдини олиш ва даволашнинг ахборот технологияларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикамызда аҳоли саломатлиги, тиббиёт соҳаси ва тиббиётга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан соғлиқни сақлаш ташкилотларида касалликларни эрта аниқлаш ва аниқ ташхис қўйиш технологияларини модернизация қилиш ва даволаш тизимларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. Шу билан бир қаторда тиббиётда касалликларни олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашда ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида тактик даволаш жараёнларини такомиллаштириш талаб этилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «... илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, ... тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, ...илгор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш»² вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, тери касалликларига аниқ ва тез ташхис қўйишнинг дастурий мажмуаларини ва технологияларини яратиш

¹ <https://poly-clinic.ru/department/dermatology/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2014 йил 13 августдаги ПҚ-2221-сон «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 24-сон «Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини бундан кейинги ривожлантиришга шароитлар яратиш учун чора тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда тиббиётда математик моделлаштириш, хусусан тери ва тери касалликларини аниқлаш ва ташхислашнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш муаммолари бир қатор олимлар: F.Xu, P.F.Wang, M.Lin, T.J.Lu, E.Y.K.Ng, Yuri Anissimov, Xing Liang, Stephen A.Boppart, Paula Denman, Guoping Lian, Longjian Chen, Lujia Han, Ulrik Birgersson, О.Ф. Воробаева, Ю.И. Шокин, Jonathan A.Sherratt ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда Б.Н.Хидиров, М.Сайдалиева, М.Б.Хидирова, М.Арипов, Т.Сафаров, Ж.О.Тахиров, Х.О.Тураев, М.С.Гильдиева, Б.Р.Алиев, А.А.Абдувалиев бошқалар тирик тизимлар фаолиятини турли даражаларда математик моделлаштиришга, математик ва биологик моделларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшганлар.

Ҳозирги кунда тиббиётда тери касалликларини башоратлаш имконини берувчи қатор математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий мажмуалар яратилган. Шунга қарамай, тери эпидермиси хужайралари ўзаро фаолияти регулятор механизмларини математик моделлаштириш имконини берувчи математик моделлар ҳамда компьютер моделларини яратиш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялар университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказининг илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф4-ФЛ-Ф006-«Тирик тизимлар регуляторикаси информацион технологиясининг назарий

асослари ва услубларини яратиш» (2012-2016), А-5-005 - «Қалқонсимон без фолликуляр зарарли ўсимта ва вирусли гепатит В касалликларни пайдо бўлиши, ривожланиши ва оқибатлари механизмларини таҳлил қилиш учун моделни ва дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш» (2015-2017), БВ-М-Ф4-002-«Норма ва зарарли ўсимталар ҳолатларида инсон организми асосий тизимлари орасидаги ўзаро боғлиқ регуляторикаси информацион технологиясининг фундаментал асосларини яратиш» (2017-2020) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тери эпидермиси хужайралари ўзаро фаолияти регулятор механизмларининг математик моделлари, ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда компьютер моделларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тери эпидермиси хужайралари тўплами ўзаро алоқасини ифодаловчи биологик моделни ишлаб чиқиш;

тери эпидермисининг таркибий-функционал ташкил топиш қонуниятларини такомиллаштириш;

тери эпидермиси регулятор механизмларининг математик моделлаштириш усулларини ишлаб чиқиш;

тери эпидермиси регулятор механизмлари нормал ва аномал фаолияти қонуниятларини аниқлаш ва сонли тажрибалар ўтказишнинг дастурий мажмуасини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тери эпидермиси хужайралари ўзаро фаолияти регулятор механизмлари қаралган.

Тадқиқотнинг предмети тери эпидермиси регулятор механизмларини математик моделлари, алгоритмлари ва сонли таҳлиллашнинг дастурий мажмуасидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида функционал-дифференциал тенгламаларни сифат ва сонли таҳлиллаш назарияси, математик моделлаштириш услубияти, сонли усуллар, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тери эпидермиси бўлинувчи, ўсувчи, дифференциалланувчи хужайралари ўзаро алоқасини ифодаловчи биологик модели кечикувчи вақтнинг ҳисобга олиниши асосида такомиллаштирилган;

вақтий-фазовий муносабатлар инобатга олинган биологик модель асосида тери эпидермиси хужайраларининг регулятор механизмлари тенгламалар тизими ишлаб чиқилган;

тери эпидермиси хужайралари ўзаро фаолияти регулятор механизмларини кечикувчи аргументли функционал-дифференциал тенгламалар тизими асосида математик модель яратилган;

тери эпидермиси регулятор механизмлари математик модели учун қайта алоқа вақтини ҳисобга олувчи сонли ечиш усуллари кечикувчи идентификаторлар асосида такомиллаштирилган;

тиббиётда тери эпидермиси хужайралари регулятор механизмлари

Ўзаро боғлиқлик жараёнлари масалаларини сонли ечиш учун дастурлар мажмуаси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тери эпидермиси қаватлар орасида хужайраларининг ўзаро ўтишлари математик моделларининг функционал-дифференциал тенгламалари такомиллаштирилган;

моделлар тадқиқоти асосида тери эпидермиси хужайраларининг математик моделининг нотартиб ҳаракати ва “қора ўрама” хусусиятига эғалиги аниқланган;

тери эпидермиси регулятор механизмларини сонли таҳлил қилиш, динамик хаос ва “қора ўрама” соҳалари мавжудлигини ҳисоблаш учун дастурий таъминот яратилган;

ишлаб чиқилган дастурий таъминотда ўтказилган сонли тажрибаларда тери эпидермиси хужайраларининг стационар, яъни ўзгармас фаолияти, тургун тебранма ҳаракати, хужайранинг табиий сўниши, хужайраларнинг патологик ҳалок бўлиши, “қора ўрама” соҳасида кечадиган жараёнлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тери эпидермиси регулятор механизмларининг математик моделлари адекватлиги ва ҳисоблаш алгоритмларининг ишончлилиги тери эпидермиси хужайраларининг ўзаро фаолияти муносабатлари аниқ биологик қонуниятлар асосида ишлаб чиқилганлиги орқали текширилган, дастурий мажмуада олинган натижалар эпидермис хужайраларининг ўзаро алоқа параметрлар қийматларини ўзгартиришни коррекция қилиш, тажриба маълумотлар билан таққослаш билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, мураккаб ва чизиксиз ҳисобланган тери эпидермиси хужайралари регулятор механизмларини кечикувчи аргументли функционал-дифференциал тенгламалар тизими ёрдамида ифодаланган математик модели ечимларининг шартлари асослаб бериш имконини беради. Ишлаб чиқилган модель тери эпидермиси хужайраларининг турли даражаларда математик моделлаштириш ва тирик тизимлар фаолиятини ифодаловчи биологик назарияни ривожланиши билан изохланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган сонли усуллар ва дастурий воситалар тери эпидермиси хужайралари ўзаро алоқаси регулятор механизмлари учун сонли тажрибалар ўтказишга имкон беради ҳамда тери эпидермисида пайдо бўладиган касалликларни олдиндан компьютер ёрдамида башорат қилиш ва ташҳис қўйиш билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тери эпидермиси регулятор механизмларини сонли таҳлиллаш, динамик хаос ва “қора ўрама” соҳаларида тирик тизимлар фаолияти регуляторикасини сонли таҳлил қилиш учун яратилган математик моделлар, алгоритмлар ва дастурий мажмуалар асосида:

тери эпидермиси регулятор механизмлари нормал ва аномал фаолиятни қонуниятларини аниқлаш дастурий мажмуаси соғлиқни сақлаш, жумладан Самарқанд вилоят тери-таносил касалликлари диспансерига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 27-ноябрдаги 33-8/8035-сон; Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 26 октябрдаги 8н-з/26-сон маълумотномалари). Илмий тадқиқот натижасида тери эпидермиси хужайралари регулятор механизмларининг нормал ва аномал ҳолатларда бошқариш ва башоратлаш, самарали илмий тажрибалар ўтказиш, тери касалликларига аниқ диагноз қўйишни 1,5-2 марта ошириш ва ушбу касалликни патогенези ва этиологияси хусусиятларини аниқлаш асосида даволаш тактикасини 35-40% оптималлаш имкони яратилган;

тери эпидермисида пайдо бўладиган касалликларни олдиндан башорат қилиш ва ташхис қўйишнинг такомиллаштирилган усуллари ва дастурий воситалари “Orzubek shifo servis” МЧЖга жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 27-ноябрдаги 33-8/8035-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида тери эпидермиси хужайраларининг ўзаро биологик муносабатларини инобатга олган ҳолда башорат қилиш 5-10%га ошириш ҳамда тери касалликларига тез ва аниқ ташхис қўйишни 2-3 марта тезлаштириш имконини берган;

хужайраларининг патологик ҳалок бўлиши, “қора ўрама” соҳасида кечадиган жараёнларни аниқлаш дастурий мажмуа “Diyora shifo najot med servis” МЧЖга жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 27-ноябрдаги 33-8/8035-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида тери касалликларини нормал ва аномал ҳолатларда бошқариш, тери касалликларига ташхис қўйиш технологияларидан фойдаланиш натижасида тери касалликларига эрта ташхис қўйишни 10-15%га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, 3 тасн хорижий ва 4 таси республика журналларда нашр қилинган ҳамда 3 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 102 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тери эпидермиси регулятор механизмлари математик моделлаштириш усуллари» деб номланган биринчи бобда терининг тузилиши ва математик моделлаштиришнинг замонавий таҳлили ҳамда тери эпидермиси регулятор механизмлари математик модели келтирилган.

Биринчи параграфда тери эпидермиси регулятор механизмларини математик моделлаштириш усуллари ривожланиш тенденциялари аниқланган. Ушбу таҳлилий тадқиқотлар асосида диссертация ишида ечилиши кўзда тутилган асосий масалалар белгилаб олинган ва шакллантирилган.

Иккинчи параграфда тери ва тери касалликларни математик моделлаштириш ва ҳисоблаш усуллари таҳлил қилинган. Бунда тенгламаларни ечиш усуллари ва ҳисоб тажрибалар учун яратилган дастурий таъминотларда олинган натижалар ўрганилган.

Учинчи параграфда тери эпидермиси регулятор механизмларини математик моделлаштиришда эпидермиснинг таркибий-функционал ташкилланишини асосида кечикувчи аргументли Гудвин типдаги функционал-дифференциал тенгламалар тизими (1) танлаб олинган:

$$\left\{ \begin{array}{l} \frac{dB(t)}{dt} = a_2M(t-\tau) + b_2D(t-\tau) - (b_1 + a_3)B(t); \\ \frac{dM(t)}{dt} = \frac{a_1M^m(t-\tau)}{b + p \prod_{i=1}^3 S_{2_i}^k(t-\tau)} + b_1B(t-\tau) - a_2M(t); \\ \frac{dD(t)}{dt} = a_3B(t-\tau) - (b_2 + a_4)D(t); \\ \frac{dS_1(t)}{dt} = a_4S_{2_1}(t-\tau) - a_5S_1(t); \\ \frac{dS_{2_i}(t)}{dt} = a_5D(t-\tau) - a_6S_{2_i}(t); \\ \frac{dS_{2_i}(t)}{dt} = a_{4+i}S_{2_{i-1}}(t-\tau) - a_{5+i}S_{2_i}(t), \quad i = 2, 3, 4, 5. \end{array} \right. \quad \left\{ \begin{array}{l} M(t) = \alpha(t); \quad t \in [0; h], \\ B(t) = \beta(t); \quad t \in [0; h], \\ D(t) = \chi(t); \quad t \in [0; h], \\ S_1(t) = \delta(t); \quad t \in [0; h], \\ S_{2_i}(t) = \phi(t); \quad t \in [0; h], \\ S_{2_i}(t) = \gamma_i(t); \quad t \in [0; h], \quad i = 2, 3, 4, 5. \end{array} \right. \quad (1)$$

Бу ерда $M(t)$, $B(t)$, $D(t)$, $S_1(t)$ ва $\{S_{2_i}(t), i=1,2,3,4,5\}$ - эпидермиснинг бўлинувчи, ўсувчи, дифференциалланувчи бир жинсли меланин ва кератин

хужайралар гуруҳи сонини ифодаловчи параметрлар, a_1 – ўсувчи қаватдаги хужайраларнинг бўлиниш тезлиги; a_2 – меланин хужайраларининг нобуд бўлиш тезлиги; a_3 – донатор қаватдаги хужайраларнинг нобуд бўлиш тезлиги; a_{10} – мугуз қават хужайраларининг тозаланиш тезлиги; $a_2, a_3, a_4, a_6, a_7, a_8$ – қаватлар орасидаги хужайраларнинг ўзаро ўтиш тезликлари; m – меланин хужайранинг кооператив даражаси; b_1 – ўсиш зонасидан митотик бўлиниш зонасига ўтиш тезлиги, b_2 – хужайраларни дифференциалланувчи зонадан ўсувчи зонага ўтиш тезлиги. b ва p ўлчовсиз параметрлар. Барча параметрлар ўлчовсиз ва номанфий.

Тери эпидермиси регулятор механизмларини ифодаловчи (1) тенгламалар тизимини бир жинсли ўсувчи, дифференциалланувчи ва махсус функция бажарувчи соҳаларида квазистационар кўринишида масштаблаштириш (параметрлар сонини камайтириш) қуйидаги (2) моделга келтирилди.

$$\varepsilon \frac{dZ(t)}{dt} = \frac{\alpha Z^m(\theta-1)}{1+Z^n(\theta-1)} - Z(t). \quad (2)$$

Бу ерда, $Z(\theta)$ – тери эпидермиси ишлаб чиқган биологик актив моддалар миқдорини ифодаловчи катталиқ, ε – регуляторика параметри, α – ресуртаъминланганлик даражаси. Моделни келтириб чиқаришда редукция усулидан фойдаланганлиги учун тери эпидермисининг барча биологик конуниятларини қаноатлантиради.

Диссертациянинг «Тери эпидермиси регулятор механизмлари математик модели функционал-дифференциал тенгламалари сифат таҳлили» деб номланган иккинчи бобида математик моделнинг сифат таҳлил қилиш усуллари тадқиқ қилинади. Бунда тенгламанинг, шу билан бирга танлаб олинган тенгламалар тизимининг кесмада берилган бошлангич функция берилганда биологик конуниятларини асослаш учун ечимларнинг мавжудлиги, яғналиги, узлуксизлиги, номанфийлиги, чегараланганлиги, турғунлиги ва «қора ўрама» соҳасига ўтиш шарти келтирилган.

Маълумки, (2) кўринишдаги тенглама редукция усулидан келтириб чиқарилган (1) тизимнинг математик моделидир. Ушбу (2) модель мураккаб кўринишдаги чизиксиз функционал-дифференциал тенгламадир. Модель ечимларини аналитик усулда ечиб бўлмаганлиги сабабли, уни кетма-кет интеграллаш усули орқали ечимларини аниқлаш мумкин. (2) тенгламанинг узлуксиз ечимлари мавжудлигини кўрайлик. $[0,1]$ кесмада $Z(\theta)$ узлуксиз $\varphi(t)$ функцияга тенг. (2) тенгламанинг $[0,1]$ да $\varphi(t)$ га тенг ечимдан $(1,2]$ да ечимини топайлик, яъни

$$\varepsilon \frac{dZ(\theta)}{dt} = \frac{\alpha \varphi^m(\theta-1)}{1+\varphi^n(\theta-1)} - Z(\theta). \quad (3)$$

Ечимни $Z(\theta) = \eta(\theta)e^{-\theta/\varepsilon}$ каби изласак, у ҳолда

$$Z(\theta) = Z(1)e^{(1-\theta)/\varepsilon} + \frac{\alpha}{\varepsilon} \int_1^{\theta} \frac{\varphi^n(\tau-1)e^{(\tau-\theta)/\varepsilon}}{1+\varphi^n(\tau-1)} d\tau \quad (4)$$

тенгликга эга бўламиз.

Топилган (4) тенглик (3) тенгламанинг [1,2] даги ечими ва (2,3] учун бошланғич функция ҳисобланади. Ушбу кетма-кет интеграллаш жараёни $t > 1$ учун (2) тенгламанинг узлуксиз ечимларини топиш имконини беради.

Моделнинг [1,2] кесмада ечими ягоналигини кўрайлик. (5) тенгламанинг [1,2] кесмада иккита $Z_1(\theta)$ ва $Z_2(\theta)$ ечимни ва [0,1] да $Z(\theta) = \varphi(t)$ шартни қаноатлантирсин:

$$\varepsilon \frac{dZ_1(\theta)}{d\theta} = \frac{\alpha Z_1^n(\theta-1)}{1+Z_1^n(\theta-1)} - Z_1(\theta); \quad (5)$$

$$\varepsilon \frac{dZ_2(\theta)}{d\theta} = \frac{\alpha Z_2^n(\theta-1)}{1+Z_2^n(\theta-1)} - Z_2(\theta). \quad (6)$$

[1,2] кесмада

$$\varepsilon \frac{d(Z_1(\theta) - Z_2(\theta))}{d\theta} = Z_2(\theta) - Z_1(\theta)$$

тенгликга эга бўламиз. (5) ва (6) учун бошланғич шарт (4) каби бўлгани учун

$$Z_2(\theta) - Z_1(\theta) = (Z_2(1) - Z_1(1))e^{-\theta/\varepsilon}, \quad \theta \in [1,2].$$

$Z_1(t)$, $Z_2(t)$ узлуксиз ечимлар [0,1] да бир-бирига тенг бўлгани учун, хусусий ҳолда $Z_1(1) = Z_2(1) = \varphi(1)$. Бундан келиб чиқадики, $Z_1(\theta) = Z_2(\theta)$, бу ерда $\theta \in [1,2]$. Демак, (2) нинг [1,2] даги ечими ягона экан. Кетма-кет интеграллаш усулини давом эттириб, (2) тенгламанинг $t > 1$ да ягона узлуксиз ечими мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Агар $\alpha \geq 0$, $n > m > 1$, $Z(t) = \varphi(t)$, $\varphi(t) \geq 0$ $t \in [0,1]$ бўлса, у ҳолда $t > 1$ бўлганда топилган ечим номанфий бўлиши тенгламада берилган параметрларнинг барчаси номанфий бўлганлигидан кўриниб турибди.

Агар $\alpha \geq 0$, $n > m > 1$, $0 \leq \varphi(t) < \infty$, $t \in [0,1]$ бўлса, у ҳолда топилган ечим чегараланган бўлишини кўрсатамиз. $Z(\theta)$ нинг жуда катта қийматларида (2) тенгламани қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\varepsilon \frac{dZ(\theta)}{d\theta} = \beta - Z(\theta), \quad (7)$$

бу ерда

$$\beta = \lim_{z(\theta) \rightarrow \infty} \frac{\alpha Z^m(\theta-1)}{1+Z^n(\theta-1)}.$$


Бу тенгликдан:

1) Агар $n = m = 1$ бўлса, $\lim_{z \rightarrow \infty} \frac{\alpha Z}{1+Z} = \lim_{z \rightarrow \infty} \frac{\alpha}{\frac{1}{z}+1} = \alpha$. Демак, $n = 1$ да $\beta = \alpha \neq 0$.

$$2) \text{ Агар } 1 < m < n \text{ бўлса, } \beta = \lim_{z \rightarrow \infty} \frac{\alpha Z^m}{1 + Z^n} = \lim_{z \rightarrow \infty} \frac{Z^{n-m}}{\frac{1}{Z^n} + 1} = \frac{0}{1} = 0.$$

Демак, (7) тенгламанинг $Z(\theta) = \beta + \varphi(1)e^{-\theta/\epsilon}$ ечими чегараланган ва бундан келиб чиқадики (2) ва (1) тенгламаларнинг ечимлари ҳам чегараланган.

Тирик тизимларнинг ҳозирги кундаги муаммолардан бири касалликни даволаш имкониятининг йўқлигидир. Мутахассислар касалликларнинг даволаш параметрларини мавжуд эмаслигини таъкидлаш, бунда моделнинг “қора ўрама” соҳасига ўтиш шarti муҳимдир. “Қора ўрама” соҳасига ўтиши учун куйидаги графикдаги шarti бажарилиши етарлидир (1 - расм):



1-расм. Моделнинг “қора ўрама” соҳасига ўтиш шarti

Бунинг учун

$$y_{2\max} = y\left(\sqrt[n]{\frac{m}{n-m}}\right) = \frac{a}{n} \left((n-m)^{n-m} m^m \right)^{\frac{1}{n}}$$

тенгликдан фойдаланамиз. Демак, функциянинг максимум нуқтаси

$$y_{2\max} = \frac{a}{n} \left((n-m)^{n-m} m^m \right)^{\frac{1}{n}}. \text{ Бундан } y_2(y_{2\max}) \text{ куйидагига тенг}$$

$$y_2(y_{2\max}) = y\left(\frac{a}{n} \left((n-m)^{n-m} m^m \right)^{\frac{1}{n}}\right) = \frac{a^{m+1} (n(n-m)^m)^{n-m} m^{\frac{m^2}{n}}}{n^n + a^n (n-m)^{n-m} m^m}$$

$$y_2(y_{2\max}) = \frac{a^{m+1} (nA^m)^A B^{\frac{m}{n}}}{C + a^n A^A B},$$

бу ерда $A = n - m$, $B = m^m$, $C = n^n$. Хулоса қилиб айтганда,

$$y_2(y_{2\max}) = \frac{a^{m+1} (nA^m)^A B^{\frac{m}{n}}}{C + a^n A^A B} < z_1 \text{ тенгсизлик бажарилса, моделнинг “қора ўрама”}$$

соҳасига ўтиш шarti бажарилади. “Қора ўрама” соҳасига ўтиш шartининг бажарилиши тирик тизимларда ҳаёт фаолиятининг тугаши билан чамбарчас боғлиқдир.

Математик моделлаштиришда модель ечимларининг турғунлиги

муҳимдир. Бунда танлаб олинган объект учун моделлаштириш ишларимиз нечоғлик тўғри эканлигини англатади. Ушбу ишда (2) модель ечимларининг турғунлиги Хейс критерийси бўйича текширилди. Моделнинг μ мувозанат ҳолати атрофида чизиклаштириш усулидан фойдаланиб чизиклаштирамиз:

$$\varepsilon \frac{dy(t)}{dt} = \frac{((m-n)\mu^n + m)}{1+\mu^n} y(t-1) - y(t). \quad (8)$$

чизиклаштирилган тенгламага эга бўламиз. (8) тенглама учун характеристик тенгламани қуйидагича кўринишда тузайлик:

$$\left(\lambda + \frac{1}{\varepsilon}\right) e^\lambda + \frac{((n-m)\mu^n + m)}{\varepsilon(1+\mu^n)} = 0. \quad (9)$$

Демак, (9) тенглама чизиклаштирилган (8) тенгламанинг характеристик тенгламасидир. (2) модел ечимлари турғунлини Хейс критерийсининг шартлари асосида текширамиз.

1) $a = \frac{1}{\varepsilon} > -1$ шарт бажарилади, чунки $\varepsilon > 0$.

2) $\frac{1}{\varepsilon} + \frac{(n-m)\mu^n + m}{\varepsilon(1+\mu^n)} > 0$ шарт бажарилади, яъни $1 + \frac{(n-m)\mu^n + m}{1+\mu^n} > 0$.

3) шартни текширайлик:

3.1) $\mu < \sqrt[n]{\frac{1-m}{n-m-1}} = \sqrt[n]{\frac{m-1}{1+m-n}}$ тенгсизликдан:

• агар $m=1$ бўлса, $\mu < 0$ бўлиб, μ мувозанат ҳолатининг мусбатлиги зиддиятга дуч келади.

• агар $1 < m < n$ бўлиб, $m \leq n-2$ бўлса, $\sqrt[n]{\frac{m-1}{1+m-n}}$ ифода ёки ҳақиқий қийматга эга эмас ($n -$ жуфт), ёки манфий ($n -$ тоқ) бўлади. Демак ушбу тенгсизлик орқали шарт бажарилмаслигини кўришимиз мумкин.

3.2) $\xi = -\frac{1}{\varepsilon} \lg \xi$ тенгламадан $0 < \frac{\pi}{2}$ тенгсизлик бажарилади.

Характеристик тенглама Хейс критерийсининг биринчи иккита шартини қаноатлантириши, учинчи шартини эса m ва n нинг айрим қийматларида қаноатлантирмаслиги кўрсатилди. Бу ҳол мувозанат ҳолати атрофида тебранма ечимлари мавжуд бўлиши мумкинлигини англатади.


Диссертациянинг «Тери эпидермиси регулятор механизмлари тенгламаларининг сонли таҳлили» деб номланган учинчи боби тери эпидермисидида кечадиган биологик жараёнлар учун ҳисоблаш экспериментлари ўтказиш учун компьютер моделлари яратишга бағишланган.

Ушбу ишлаб чиқилган компьютер модели юқорида келтирилган усуллар орқали ҳисоблаш экспериментлари олиб бориш имконини беради. Қуйида компьютер моделидан фойдаланиб, терининг базал қавати учун ҳисоб тажрибалар натижалари келтирилган.

ТИП ИСЛОПМАНИ ПЕРИОДЛАШТИРИШ ҚИЗҚИНИ ТАЪДИЛЛАШ

$$3.05 \frac{dz(t)}{dt} = \frac{2.05 Z(t-1)}{1+Z^2(t-1)} - Z(t) \quad Z_0(t) = 1$$

0 минута | 2 минута | 4 минута | 6 минута | 8 минута




2-расм. Моделнинг стационар сичмга ўтиши

ТИП ИСЛОПМАНИ ПЕРИОДЛАШТИРИШ ҚИЗҚИНИ ТАЪДИЛЛАШ

$$0.07 \frac{dz(t)}{dt} = \frac{1.5 Z(t-1)}{1+Z^2(t-1)} - Z(t) \quad Z_0(t) = 1$$

0 минута | 2 минута | 4 минута | 6 минута | 8 минута




3-расм. Моделнинг даврий сичми

ТИП ИСЛОПМАНИ ПЕРИОДЛАШТИРИШ ҚИЗҚИНИ ТАЪДИЛЛАШ

$$0.36 \frac{dz(t)}{dt} = \frac{1.5 Z(t-1)}{1+Z^2(t-1)} - Z(t) \quad Z_0(t) = 1$$

0 минута | 2 минута | 4 минута | 6 минута | 8 минута




4-расм. Моделнинг хаос сичми

ТИП ИСЛОПМАНИ ПЕРИОДЛАШТИРИШ ҚИЗҚИНИ ТАЪДИЛЛАШ

$$0.03 \frac{dz(t)}{dt} = \frac{0.95 Z(t-1)}{1+Z^2(t-1)} - Z(t) \quad Z_0(t) = 1$$

0 минута | 2 минута | 4 минута | 6 минута | 8 минута



5-расм. Моделнинг "қора ўрама" соҳаси сичми

Ҳисоб тажриба стационар натижаси тери эпидермиси базал қавати регуляторикасининг стационар ҳолати бўлиб, бунда айнан бир турдаги хужайралар фаол қолганлари эса ҳаракатсиз эканлигини билдиради. Бундан келиб чиқадики, мутахассисларнинг фикрича, тери эпидермиси фаолияти аста-секин сўнишини ифодалайди (2-расм).

Тери эпидермиси базал қавати хужайраларининг ўзаро алоқаси регулятор механизмлари нормал ҳолатда эканлигини кўриш мумкин(3-расм). Ушбу ҳолатда тери эпидермиси хужайралари фаолияти нормада эканлиги, яъни мутахассислар эпидермиснинг соғломлиги ҳақида ташхис қўйиш мумкинлигини билдири.

Ҳисоб тажриба натижаси ҳисобланган нерегуляр фаолияти (хаос) келтирилган (4-расм). Ушбу натижадан кўриниб турибдики, тери эпидермиси базал қавати аномал ҳолатда эканлигини англатади. Бунда, базал қават хужайралари фаолияти мувозанати бузилганлигини, яъни ушбу қаватда касалликнинг ривожланганлигини билдиради ва бу асосида мутахассислар касалликни олдини олиш ва даволаш учун тактик чора-тадбирлар ишлаб чиқишлари мумкин:

Келтирилган ушбу "қора ўрама" соҳаси тери эпидермиси базал қавати хужайралари ўзаро фаолиятининг кескин сўнишини билдиради (5-расм). Бунда базал қават хужайраларининг патологик побуд бўлиши кузатилади. Лекин мутахассисларнинг фикрича, ушбу ҳолатдаги касалликлар учун тезкор


индивидуал даволаш усулларини ишлаб чиқиш зарур.

Демак, юқорида келтирилган натижаларга кўра, тери эпидермиси базал қаватида кузатилиши мумкин бўлган касалликларни олдини олиш, даволаш ва тактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда модель параметрлари қийматларини компьютер модели дисплейида тўғридан-тўғри ўзгартирган ҳолда, мутахассислар учун тез ва аниқ ташхис қўйиш ҳамда даволашнинг тўғри процедурасини ишлаб чиқишда ва мақбул қарорлар олишда ёрдамчи восита ҳисобланади.

Тирик тизимлар фаолияти регуляри механизмлари математик ва компьютер моделлаштиришда айнан тирик тизим фаолияти жараёнини акс этиши муҳимдир. Шунинг учун ҳам, модель тизимларни дискрет рекуррент тенгламалар кўриниши самарадорлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Тери эпидермиси хужайралари ўзаро фаолияти регулятор механизмлари ифодаловчи функционал-дифференциал тенгламалар тизими ечимлари характерларининг умумий қонуниятларини сифат таҳлил қилиш, модель системани функционал ва дискрет тенгламалар кўринишида ифодалаб, кўпхужайрали организмларни хужайралар туркумининг функционал бирлиги регуляторика тенгламаларини тадқиқ қилиш асосида критик нуқталарни ва уларнинг турғунлигини таҳлил қилиш натижаларига кўра, эпидермис хужайралар ўзаро фаолияти микродорий динамикасининг қуйидаги соҳаларни мавжудлигини кўрсатади:

- Монотон камайиш (A) соҳаси;
- Стационар ҳолат (B) соҳаси;
- Даврий тебранма (C) соҳаси;
- Нерегуляри тебранма ҳолат – детерминирланган хаос (D) соҳаси;
- Деструктив камайиш – “қора ўрама” (E) соҳаси.

Қуйида тери эпидермиси регулятор механизмлари микдори динамикасини ифодаловчи параметрик тасвирлашни келтирамыз. Ушбу параметрик тасвирлаш орқали тери эпидермисиде кечадиган жараёнлар характерини билишимиз мумкин (7 - расм).




6-расм. Моделнинг параметрик тасвирланиши

Тери эпидермиси хужайралари ўзаро фаолияти регулятор механизмлари функционал ва дискрет тенгламаларини тузиб олайлик:


$$Z(\theta) = \frac{\alpha Z^n(\theta-1)}{1 + Z^n(\theta-1)} \quad (10)$$

$$Z_k = \frac{\alpha Z_{k-1}^n}{1 + Z_{k-1}^n} \quad (11)$$

(11) тенглама ёрдамида тери эпидермиси регулятор механизмларини ҳисоб тажриба натижаларини таҳлил қилиш мумкин (7-8 расмлар).





7-расм. (11) тенгламанинг хаос ечими



8-расм. (11) тенгламанинг “қора ўрама” ечими

Ляпунов қиймати ва “r-windows”лар сонини ҳисобловчи дастурий таъминотда параметрлар ва бошланғич қиймат киритилгандан кейин керакли тугма босилганда дастур ишлайди. Агарда Ляпунов кўрсаткичи манфий қийматга эга бўлса, бу ҳолда “r-windows”лар сони 0 га тенг бўлади, тери эпидермиси регуляр ҳолатда эканлигини билдиради. Чунки Ляпунов кўрсаткичи манфий қийматга эга бўлса, бу тери эпидермиси ҳужайраларида стационар ёки нормал ҳолат мавжуд деб қараш мумкин, яъни тери эпидермисиди касалликлар мавжуд эмас. Агарда Ляпунов кўрсаткичи мусбат бўлса, тери эпидермиси ҳужайралари ўзаро алоқаси регулятор механизмларида ўзгаришлар мавжудлигини кўрсатишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам детерминирланган хаос соҳасида “r-windows” кичик нормал соҳалар мавжуд бўлади. Қуйида биз Ляпунов кўрсаткичи ва “r-windows” сонини кўрсатувчи дастурий таъминотда олинган бир нечта ҳисоб тажриба натижаларини келтирамиз (9 - расм).



9 - расм. Ляпунов кўрсаткичи ва “r-windows”лар сони.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкин, яратилган ҳисоблаш алгоритмидан фойдаланиб, тирик тўқиманинг ҳисоблаш алгоритмида

кечадиган касалликларини олдиндан башорат қилиш ҳамда ташҳис қўйиш имконини беради. Ушбу яратилган алгоритмнинг янгилиги шундаки фазовий-вақтий муносабатлар ва қайта алоқа вақтини эътиборга олинганлиги билан фарқланади.

ХУЛОСА

«Тери эпидермиси регулятор механизмларини математик моделлаштириш» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Тери эпидермиси қаватлари орасидаги хужайраларнинг ўзаро фаолияти биологик қонуниятларини акс эттирувчи тери эпидермиси хужайралари регулятор механизмларининг биологик модели яратилди. Яратилган биологик модель асосида тери эпидермиси хужайралари фаолияти регулятор механизмларини ифодаловчи математик модель - функционал-дифференциал тенгламалар тизимини ишлаб чиқиш имконини беради.

2. Тери эпидермиси регулятор механизмлари математик модели сифат таҳлил қилинди ва моделнинг “қора ўрама” соҳаси мавжудлиги такомиллаштирилди. “Қора ўрама” соҳаси тери эпидермиси хужайраларининг патологик ҳолатларига мослигини аниқлаш ва касалликларга эрта ташҳис қўйишни 10-15%га ошириш имконини беради.

3. Тери эпидермиси хужайралари регулятор механизмларининг математик модели асосида ҳисоб алгоритмлари ва компьютер моделлари ишлаб чиқилди. Улар асосида ўтказилган ҳисоб таҳлили тери касалликларини эрта аниқлашни 2-3 марта тезлаштириш имконини беради.

4. Тери эпидермиси регулятор механизмларининг хаос соҳасида соғлом ҳолат - “r-windows” соҳалари мавжудлигининг дастурий таъминоти яратилди. Яратилган дастурий таъминот хаос соҳасидаги соғлом ҳолат соҳалари орқали нормал ҳолат соҳасига ўтиш ва тери касалликларини даволаш тактикасини 35-40% оптималлаш имконини беради.

5. Терининг биологик қонуниятларига мос келувчи параметрик тасвирланиши ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган параметрик тасвирланиш терининг базал қават хужайралари ўзаро фаолиятидаги мавжуд режимлар хусусиятларини ўрганишга ҳамда тери касалликларини башорат қилишни 5-10% оширишга хизмат қилади.

6. Яратилган компьютер моделларида ўтказилган ҳисоблаш тажриба натижалари тери эпидермиси хужайралари регулятор механизмларини нормал ва аномал ҳолатларда бошқариш ва башоратлаш, касалликларни кам вақт сарфлаб тез аниқлаш, аниқ ташҳис қўйиш ва патологик ҳолатларда башоратлашда Самарқанд вилоят тери-таносил касалликлари диспансерига, “Diyora shifo najot med servis” ва “Orzubek shifo servis” МЧЖларига жорий қилинди. Натижада тери эпидермисида кечадиган касалликларига диагноз қўйишни 1,5-3 мартагача тезлаштириш, аниқлигини 5-10% га ошириш ва даволаш тактикаси 35-40% оптималлаш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЦЕНТР ИНФОРМАЦИОННО-
КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

ШАКАРОВ АЛИШЕР РАСУЛОВИЧ

**МАТЕМАТИЧЕСКОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ РЕГУЛЯТОРНЫХ
МЕХАНИЗМОВ ЭПИДЕРМИСА КОЖИ**

05.01.07 – Математическое моделирование. Численные методы и комплексы программ

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете министров Республики Узбекистан за B2017.1.PHD/T62.

Диссертация выполнена в Научно-инновационном центре информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Саїдалиева Махруй
доктор технических наук

Официальные оппоненты: Усманов Ришат Шиязбекович
доктор технических наук, профессор

Тахиров Жазил Останович
доктор физико-математических наук, профессор

Ведущая организация: Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «27» января 2018 г. в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № 2534). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «12» января 2018 года.
(протокол рассылки № 1 от «30» декабря 2017 г.).



Р.Х.Хамдамов
председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., проф.

Ф.М.Нуралиев
заместитель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н.

И.Равшанов
заместитель научного семинара при Научном совете
по присуждению учёных степеней, д.т.н.

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире эффективное применение ИКТ в медицине важно для выбора путей диагностики, прогнозирования и лечения неизвестных заболеваний человека. «По данным ВОЗ, в последние годы у 22% населения имеются кожные заболевания»¹. Поэтому увеличение спроса на определение кожных заболеваний приводит к необходимости создания современных и надежных диагностических технологий в медицине, внедряя которые в здравоохранение, можно добиться высокой эффективности. Научные исследования в области математического моделирования живых систем на молекулярно-генетическом, клеточном, организменном и популяционном уровнях проводятся в таких странах, как США, Россия, Великобритания, Китай, Швеция, Австралия, Узбекистан.

В мире разработка и применение технологии вычислительных экспериментов математического моделирования регуляторных механизмов взаимодействия клеток эпидермиса кожи, являясь одним из наиболее важных задач, предполагает разработку математических моделей на основе систем функционально-дифференциальных уравнений с запаздывающими аргументами и вычислительных алгоритмов, позволяющих учитывать временно-пространственные отношения, усовершенствовать процесс общественного здравоохранения путем компьютеризации, профилактики заболеваний и разработку информационных технологий лечения.

На сегодняшний день в нашей республике особое внимание уделяется внедрению современных ИКТ в здравоохранение, в различные области медицины. В этой связи организациями здравоохранения созданы технологии раннего выявления заболеваний и модернизации системы точной диагностики и лечения. Наряду с этим профилактика, диагностика и лечение заболеваний в медицине с помощью ИКТ требуют усовершенствования процессов тактического лечения. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 гг. определены следующие задачи: «...стимулирование научно-исследовательской и инновационной деятельности, создание эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику, ... научно-экспериментальных специализированных лабораторий, ... дальнейшее развитие и совершенствование системы медико-социальной помощи, ... внедрение информационно-коммуникационных технологий и их использование»². Успешная реализация указанных задач, в том числе разработка программных комплексов и технологий для точной и быстрой диагностики кожных заболеваний и улучшение качества лечения являются одной из важнейших проблем.

¹ <https://poly-clinic.ru/department/dermatology/>

² Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему Развитию Республики Узбекистан», УП-4947 от 7 февраля 2017 года.

Результаты диссертации служат выполнению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-1730 от 21 марта 2012 г. «О мерах по дальнейшему внедрению и развитию современных информационно-коммуникационных технологий», № ПП-2221 от 13 августа 2014 г. «О государственной программе по дальнейшему укреплению репродуктивного здоровья населения, охране здоровья матерей, детей и подростков в Узбекистане на период 2014-2018 годы» и в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 24 от 1 февраля 2012 г. «О мерах по созданию условий для дальнейшего развития компьютеризации и информационно-коммуникационных технологий на местах», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. В последние годы математическое моделирование в медицине, в частности в области разработки современных технологий диагностики и определения кожных заболеваний, рассмотрено в работах таких исследователей, как F.Xu, P.F.Wang, M.Lin, T.J.Lu, E.Y.K.Ng, Yuri Anissimov, Xing Liang, Stephen A.Boppart, Paula Denman, Guoping Lian, Longjian Chen, Lujia Han, Ulrik Birgersson, О.Ф. Ворopaева, Ю.И. Шокин, Jonathan A.Sherratt и др.

В Узбекистане Б.Н.Хидиров, М.Сайдалиева, М.Б.Хидирова, М.Арипов, Т.Сафаров, Ж.О.Тахиров, Х.О.Тураев, М.С.Гильдиева, Б.Р.Алиев, А.А.Абдувалиев, А.С.Гильдиева и другие внесли значительный вклад в математическое моделирование и разработку математических и биологических моделей функционирования живых систем на разных уровнях.

В настоящее время в медицине разработаны математические модели, вычислительные методы и программное обеспечение, позволяющие прогнозировать кожные заболевания. Несмотря на это, не выяснены на достаточном уровне вопросы создания математических и компьютерных моделей, дающих возможность математического моделирования регуляторных механизмов взаимодействия клеток эпидермиса кожи.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках проектов плана научно-исследовательских работ Научно-инновационного центра информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий Ф4-ФА-Ф006-

